



Муттафақун алайх бўлган ҳадисда Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жума куни хутба қилиб турган эдилар, Сулайк ал-Ғатафоний келиб ўтирди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Эй Сулайк, туриңг, икки ракъат енгил намоз ўқиб олинг», дедилар. Сўнгра: «Агар биронтангиз жумъа куни масжидга келганида имом хутба қилиб турган бўлса, енгилгина икки ракъат намоз ўқиб олсин», дедилар.

Абу Қатода ас-Саламий Розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайх ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар биронтангиз масжидга кирса, ўтиришдан аввал икки ракъат намоз ўқисин», дедилар.

Муттафақун алайх бўлган ҳадисда Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жума куни хутба қилиб турган эдилар, Сулайк ал-Ғатафоний келиб ўтирди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Эй Сулайк, туриңг, икки ракъат енгил намоз ўқиб олинг», дедилар. Сўнгра: «Агар биронтангиз жумъа куни масжидга келганида имом хутба қилиб турган бўлса, енгилгина икки ракъат намоз ўқиб олсин», дедилар.

**Шарҳ:**  
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидга кирган ҳар бир кишини ўтиришдан аввал икки ракъат таҳийятул масжид ўқишига



буюрдилар. Жумъа куни хутбани эшитиш учун ўтираётган кишини ҳам аввал енгил икки ракъат намоз ўқиб олишга буюрдилар.

**Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:**

1. Масжидга кирган одам ўтиришдан аввал икки ракъат намоз ўқиши суннати муаккададир.
2. Бу амал ҳатто имом жумъа куни хутба қилиб турганда ҳам соқит бўлмайди.